Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

7 август, пайшанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 164 (1681)

ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

Ўрганчда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳақида «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлиснинг вилоятдан сайланган депутатлари, олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев маъруза қилди. Ў миллий дастурни яратиш давр талаби эканини, таълим тизими мамлакатимизда кенг қўламда амалга оширилаётган ислоҳотларга мос даражада такомиллаштирилиши зарурлигини таъкидлади. Маърузачи узлуксиз таълим тизимининг моҳияти, миллий дастурнинг таркибий қисмлари, амалга оширилиш босқичлари масалаларига батафсил тўхталди.

Муҳокамада сўзга чиққанлар янги таълим тизими мустақил Ўзбекистоннинг шонли тарихи, истиқлол мафкурасини тўла акс эттириши лозимлигини айтиб ўтдилар.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

(ЎзА).

ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

Республика Вазирлар Маҳкамасида 6 август куни Ўзбекистон мустақиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди

Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда қутлуғ санага тайёргарлик ишларининг бориши, байрам томошаларини тайёрлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз аҳли Ватан истиқлолининг олти йиллигини Инсон манфаатларини таъминлаш шиори остида кутиб олмоқда. Пойтахт ва вилоятларда амалга оширилаётган яратувчилик, улкан бунёдкорлик ишлари ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Бу йил ҳам истиқлол шодиёналари арафасида иқтисодиётимиз учун муҳим аҳамиятга молик саноат корхоналари, маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилади. Шаҳар ва қишлоқларимиз кўркигакўрк қўшилади. Айниқса, Тошкент шаҳри кунданкунга чирой очмоқда. Байрам кунлари кўча ва хиёбонларга турфа рангдаги безаклар, панно ва шиорлар кўрк ва тароват бахш этади.

Асосий байрам тантаналари пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида ўтади. Нафақат республикамиз, балки хорижда ҳам катта қизиқиш уйғотаётган бу тантаналарда республикамиз истиқлол йилларида эришган муваффақиятлар, қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хива юбилейлари ва «Туркистон - умумий уйимиз» ғояси бадиий ифодасини топади. Байрам тантаналарининг бадиий қисми, саҳнани тайёрлаш борасида бажарилаётган ишлар тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, Бош режиссёр Р. Ҳамидов ахборот берди.

Вилоятлар марказлари, шаҳар ва туманларда ўтказиладиган байрам тадбирлари, жойларда бу борадаги тайёргарлик масалалари, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари тўғрисида маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Б. Бектурдиев, Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Ф. Азимов, Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Т. Дўсчонов, Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Р. Раҳмоновнинг ахборотлари тингланди. Улар республикамиз барча шаҳар ва қишлоқларида ғурурбахш байрамга пухта ҳозирлик кўрилаётгани, кенг қўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Мажлисда мутасадди раҳбарларга байрамга тайёргарлик ишларини вақтида тугаллаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Шунингдек, байрам арафасида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ёлғиз қариялар ва эҳтиёжманд оилаларга ёрдам уюштириш, жойларда тозалик ва саранжом-саришталик ишларини жадаллаштириш лозимлиги уқтирилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, К. Раҳимов, М. Усмонов, Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ҚОНУН МУКАММАЛ БЎЛМОҒИ КЕРАК

Маълумки, Олий Мажлиснинг бўлажак сессияси кун тартибига «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси тўғрисида» ва «Бож тарифи тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам киритилган. Олий Мажлиснинг ўтган сессиясида ушбу лойиҳалар биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Қуйида мазкур қонун лойиҳалари юзасидан Андижон вилояти божхона хизмати бошлиғи Сирожиддин ЖАЛИЛОВнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

-- Мамлакатимизда божхона хизмати қадимий ва бақувват томирларга эгалиги тарихий ҳужжатлардан яхши маълум. Соҳибқирон Амир Темур Буюк Ипак йўли қатновини тиклаш, турли мамлакатлар, хусусан, Шарқ (Хитой) ва Ғарб (Франция, Италия, Испания, Германия) билан савдо ва маданий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берган эди. Улуғ бобомиздан бизларга мерос бўлиб қолган ана шу қадриятлар эндиликда қайта тикланмоқда, мазмунан бойитилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларига хизмат қилувчи қатор ҳужжатлар қабул қилингани бунинг далилидир.

«Божхона кодекси тўғрисида» ва «Бож тарифи тўғрисида»ги қонун лойиҳалари сессия муҳокамасига киритилгани ҳам бу йўлдаги навбатдаги қадамлардир. Улар чет эл божхона хизматининг илғор тажрибалари ва мамлакатимизнинг миллий хусусиятлари ҳамда бой тарихий анъаналари ҳисобга олинган ҳолда тайёрланган. Божхона назоратини ташкил қилиш ва расмийлаштириш тўғрисидаги бўлимлар (18-188-моддалар), божхона расм-русумларини соддалаштириш ва яқинлаштириш тўғрисидаги халқаро Киота конвенцияси талабларига ва божхона чегаралари орқали юкларни ўтказиш тўғрисида Женева конвенцияси талабларига мос келади. Божхона ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик тўғрисидаги 216, 240, 342-моддалар ҳам республикамиз маъмурий ва жиноий қонунлари талабларига жавоб беради.

Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши божхона хизмати ва қоидаларини тартибга солишда, унинг фаолияти асосларини янада мустаҳкамлашда, божхона тўловларини ундиришдаги айрим чигалликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Биз қонун лойиҳаларини ўрганар эканмиз, «Божхона органи ҳуқуқий муҳофаза қилиш органи ҳисобланадими-йўқми?», «Айрим турдаги фаолият билан шуғулланувчиларга божхона органи лицензия бериш ваколатига эгами-йўқми?», «Божхона органлари тезкор-қидирув-суриштирув ишларини амалга ошириш ҳуқуқига эгами-йўқми?» деган саволларга жавоб изладик. Шу маънода, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилингани, бу қўмитага ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мақоми берилганлиги айни муддао бўлди. Биз бу ҳужжатдан саволларимизга батафсил жавоб олдик.

«Халқ сўзи» мухбири Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ ёзиб олди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам мустақиллигимизнинг 6 йиллиги байрамига тайёргарлик ишлари қизғин тус олмоқда.

БАЙРАМОЛДИ ЯРМАРКАСИ

Қарши шаҳридаги Мустақиллик майдони ҳар шанба, якшанба кунлари одамлар билан гавжум бўляпти: вилоят туманлари деҳқонлари ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шаҳарликларга тортиқ қилмоқда. Савдо ярмаркасидаги маҳсулотлар бозордагига нисбатан арзон ва сифатли. Вилоят санъаткорлари ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари байрамолди ярмаркасига алоҳида файз бағишламоқда.

Жиззах вилояти:

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ



• Вилоятнинг умумий ер майдони 20,5 минг кв. километрни ташкил этади. Бу республика ҳудудининг 4,6 фоизига тенгдир.

• Аҳолиси -- 914 минг 900 киши.

• Сирдарё ва Зарафшон дарёлари оралиғидаги Сангзор воҳасида жойлашган Жиззах вилояти шимоли-ғарбдан Қозоғистон, жануби-шарқдан Тожикистон Республикалари, жанубдан Самарқанд ва шимоли-шарқдан эса Сирдарё вилоятлари билан чегарадош.

• Воҳада 16 миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқда.

• ТАВСИФ

КЎҲНА ВА ҲАМИША НАВҚИРОН

Жиззах ҳақида сўз кетганда, ҳамиша шу иборани ишлатишади. Кўҳналиги шуки, у Буюк ипак йўли қўналғаларидан бири, Самарқанду Бухоро билан бўйлашса бўйлашгудек бўй-басти, сўйлашса сўйлашгудек каломи-шашти бор. Лекин навқирон дегани нимаси? Ўтирик бўлмасин, бу сўз, аввало, мустақиллик йилларида тилга олинадиган бўлди. Чунки ўтган олти йил бадалида бу қадим шаҳар минг йиллик «умри»да кўрмаган ўзгаришларни кўрди, мислсиз яшариб кетди.

Шаҳар йўллари кенгайди, осмонўпар оппоқ бинолар қад кўтарди. Йигирмата катта-кичик бозор оқ ва қизил ғишт билан қайта қурилиб, безаб чиқилди. Тошкент-Жиззах электропоезди Ховос орқали қатнай бошлади, шаҳар ичра троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Марказий ўйингоҳ жаҳон андозаларига мос равишда таъмирланиб, минг ўринли янги теннис корти, туманларда эса Германиянинг «Винклер» технологияси асосида 6 та кичик нон заводи ишга туширилди.

Бундан ташқари, йигирмадан кўпроқ маҳаллада гузарлар қуриб битказилди. Пахтачилик ва ғаллачиликда эса янги усул -- якка тартибдаги ижара пудрати жорий этилди. Ҳозирги кунда вилоятда йигирмадан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. «Жибри» Ўзбекистон-Британия, «Кумуш тола» ўзбек-тожик, «Пахта-Интернейшнл» Ўзбекистон-Сурия, «Мадинабону» ўзбек-хитой, «Сандвиг» Ўзбекистон-Ҳиндистон корхоналари шулар жумласидандир.

Жиззах аккумулятор заводи, айниқса, вилоят саноатининг таянчи ҳисобланади. Унинг негизида Американи-нинг жаҳонга машҳур «Эксайд» корпорацияси кўрғошинли аккумуляторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Пластмасса заводида плёнка остига чигит экувчилар учун қимматбаҳо плёнка ишлаб чиқаришга киришилди. Қўйтош конида жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган волостанит кукуни ишлаб чиқариш мажмуи қурилишига тўрт миллион АҚШ доллари ажратилди. Зоминда эса янги шакар заводи қуриб битказилди.

Айни кунларда Форишда 862 минг тонна оҳак тошини парчалаб берадиган заводнинг биринчи навбати фаолият кўрсатмоқда. Йил охиригача у тўла қувват билан ишлай бошлайди. Шунда нафақат Сангзор воҳаси, балки қўшни Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳам қимматбаҳо оҳак билан таъминланади.

Шу билан бирга, Айдаркўлнинг Фориш ва Арнасой туманларига туташ ҳудудларида балиқчиликни ривожлантириш, Бахмал ва Зомин арчазорлари бағрида, сой ва шаршаралар бўйида миллий туризмни йўлга қўйиш дастурлари ҳам амалга оширилаяпти. Ҳозирги пайтда бу ерда республикада ягона оналар ва болалар санаторийси, Бухоро ва Навоий кимё корхоналарининг оромгоҳлари хизматидан минглаб кишилар баҳраманд бўлишаяпти.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самарасини бераётир. 128 та хўжалик тўлиқ нодавлат мулк шаклига ўтказилди. Уларнинг ҳар бирида бошқарув тизими тенг ярмига қисқартирилди. Икки мингдан ортиқ мустақил деҳқон-фермер хўжалигида эса мўл-кўл маҳсулот етиштирилмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида эса сезиларли силжишлар кўзга ташланмоқда. Қўйтош кончиларининг табиий газдан баҳраманд бўлгани, Зомин-Даштобод сув тармоғи орқали тез орада қирқта қишлоқ аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланишини айтиб ўтиш кифоя.

Йиллар ўтар, Жиззах «кўҳна ва ҳамиша навқирон» иборасига тўлиқ жавоб берадиган гўзал шаҳарга, воҳа эса мўл-кўлчилик бўстонига айланса, ажабмас.

ОҲАНГЛАРДА ШАРҚ ТАРОВАТИ

Шу йил 24-31 август кунлари Самарқандда ўтказиладиган халқаро мусиқа фестивали ва унинг доирасидаги илмий-ижодий конференция нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё, балки Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари маданияти тарихида муҳим аҳамиятга молик улкан бир анжуман сифатида муносиб ўрин олиши, шубҳасиздир.

Мунтазам ўтказиб турилувчи ўхшаш анжуманлардан фарқли томони унинг кенг қамровлилиги ва бадиий-илмий йўналишидир. Унда иштирок этиш истагини билдирган мамлакатлар сони ҳозирча 40 тага яқинлашиб қолди.

Хуллас, «Ер юзининг сайқали» дея азалдан таърифланган кўҳна Самарқанд ушбу қутлуғ кунлари Мағрибу Машриқ миллат ва элатларининг нигоҳини ўзига яна жалб қилиб, улкан оҳанглар саҳнасига айланади. Бунда Шарқ халқларининг аслан ва тарихан муштарак нодир мусиқа мероси бўлмиш ўзбек ва тожик мақомлари, Ҳиндистон ва Покистон рагалари, араб муашшахот, мақам ва нубалари, озарбайжон ва арман мугамлари, уйғур муқомлари, турк мақомларининг намуналари энг юксак миллий-услубий даражада ижро этилади. Иккинчидан, илмий-ижодий конференция ва халқаро фестивалнинг умумий мақсади-миллий мусиқа анъаналарининг муштараклиги, яъни уларни бир-бирига боғлаб, бирлаштириб турувчи омилларни кўрсатишдир. Ушбу жиҳатдан Самарқанд анжумани нафақат маънавий-маданий, балки сиёсий томондан ҳам беқиёс аҳамият касб этади.

Бевосита Соҳибқирон Амир Темурнинг буюртмаси асосида ёзилган «Муқаддима фит-таърих» асарида буюк араб тарихчиси Ибн Халдун қуйидагиларни ёзган: «Дарҳақиқат, ушбу нафис (мусиқа) санъати давлатнинг сиёсий ва иқтисодий салоҳияти (умрон) даражасини кўрсатиб турувчи белгидир: қайси мулк инқироз ва ихтилолга юз ўгирса, ундан биринчи бўлиб (ушбу) санъат аҳли (бошқа юртларга) кўчади. Ва, аксинча, қайси давлат умрони юксала борса, унда санъат ва адаб аҳли жамланаверади...» Мазкур тарихий башоратга мувофиқ, Самарқанд фестивали ҳам мустақил давлатимизнинг жаҳон тамаддунида буюк аждодларимизга муносиб ўрин эгаллаётганидан дарак бериб турипти.

Марказий Осиё халқларининг маънавий-маданий муштараклиги, айниқса, уларнинг мусиқа ижодиётида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Ўзбек ва тожик мақомларининг тарихий илдизлари ягона бўлиб, оҳанг тизими, ифодавий воситалари ва шаклий қурилмалари ҳам умумийдир. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари асосан турли маҳаллий-ҳудудий ижро услублари ва йўлларида намоён бўлади. Мақомларнинг ушбу маҳаллий ижро анъаналарини авайлаб сақлаш, уларни келажак авлодларга етказиш, янгилаш ва такомиллаштириш борасида Ўзбекистонда охирги йилларда анча ишлар қилинди.

Кўҳна Туркистон илми мусиқий соҳасида ҳам башарият тамаддунига улкан ҳисса қўшган. Бу заминнинг буюк намояндалари -- Абу Наср ал-Фаробий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Сино, Фахриддин ар-Розий, Хожа Абдулқодир Марағий, Мавлоно Нажмиддин Кавкабий, Ҳофиз Дарвеш Али Чангийлар яратган мусиқий рисолалар бутун Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида маълум ва машҳур бўлиб, мусиқий билим даргоҳларида ҳозиргача дастуруламал сифатида ўрганилмоқда. Зероки, мазкур илмий-назарий меросимиз ҳам Шарқ халқларининг маънавий муштараклигидан далолат бериб, Самарқанд фестивалининг якунида ўтказилувчи илмий-ижодий конференциянинг мавзуини ташкил қилади.

А. НАЗАРОВ,
санъатшунослик фанлари доктори.

ОШКОРА МУЛОҚОТ

Республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди «Ўзбекистонда замонавий ахборот маконининг шаклланиши» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказди. Уни мазкур фонд ҳамраиси, «Ҳуррият» газетаси бош муҳаррири Ҳуршид Дўстмуҳаммад бошқарди.

Ошкора мулоқот тарзида ўтган анжуман иштирокчилари «Оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришда ахборотнинг ўрни», «Интернет ва хорижий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш», «Жаҳон андозалари даражасида ахборот тайёрлаш ва тарқатиш», «Хорижий агентликлар билан ахборот алмашиш ва илғор тажрибаларни ўрганиш» масалаларида баҳс-мунозара юритдилар. Матбуотни янада демократлаштириш, халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш, журналист кадрлар тайёрлаш ишларини яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(ЎзА).

Жиззах вилояти:

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ

Даштоболддаги пахта заводи 27 минг тонна пахтани тозалашга мўлжалланган. Бугунги кунда завод хомашёни қабул қилиб олишга тахт турибди.

СУРАТДА: (чапдан) механик Р. Бегматов, бош муҳандис М. Сатторов, слесарлар А. Маматов ва Н. Жонгиевлар.

Вилоятдаги «Умаржон НК» хусусий ишлаб чиқариш корхонасига келсангиз, тадбиркорликнинг мақбул усулини кўрасиз. Бу ерда Ўзбекистон тўқимачилик комбинатлари чиқиндиларидан нотўқима матолар ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТЛАРДА: корхона ишчилари Н. Амирова (чапда) ва Г. Фармоновалар.



ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

Туманимизда бугунги кунда бир юз етмишта деҳқон-фермер хўжалиги эл фаровонлиги, юрт ободончилиги йўлида иш юритяпти.

Уларнинг 132 нафари 3400 гектар майдонга ғалла экиб, «Дўстликдон» корхонаси маъмурияти билан шартнома имзолаган эди. Шартнома шартлари ортиғи билан бажарилди. Омборларга олти минг тоннадан зиёд ғалла тўкилди. Орзу Каримов бошлиқ «Назарбек», Марқабой Жумабоев раҳбарлик қилаётган «Дангал бобо», Раҳматулла Қўнишев етакчилигидаги «Буюк Турон» хўжаликларида айниқса, ҳосилдорлик юқори бўлди.

Эндиги навбат — пахтага. Жорий йилда пахтакорларимиз тўрт минг гектар ерда қимматбаҳо хомашё етиштирмоқда. Ватан хирмонига эса 8100 тонна «оқ олтин» топширилади. Бу марра, албатта, забт этилади. Негаки, далаларда ғўзалар шиғил ҳосилга кирган. Ҳар тупда ўн беш-ўн олтитадан ҳосил шонаси, олти саккизтадан тўқ кўсак бор.

Деҳқон-фермерлар -- қишлоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг қалдирғочларидир. Улар, ишончим комилки, зиммаларидаги топшириқларни тўлатўкис рўёбга чиқарадилар.

А. БЕКБЎТАЕВ,
Арнасой тумани шахсий ёрдамчи ва деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси.

● *1997 ЙИЛ -- ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ*

«БАНДЛИК» ДАСТУРИ -- АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш тўғрисида»ги қарори ижроси йўлида вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси жамоаси қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бу тадбирлар асосан тўрт йўналишда олиб борилмоқда.

Аввало, маҳаллий шароит ва имкониятларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган «Бандлик» дастури бўйича туманларда иш сўраб мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштиришга аҳамият бердик. Жумладан, 1997 йилнинг ярим йиллигида ишга муҳтож 5810 нафар фуқаронинг 3575 нафари меҳнат биржалари йўлланмаси билан халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги бўш ўринларга жойлаштирилди. 1280 кишига ишсизлик мақоми берилган бўлса, шундан 340 нафари қисқа муддатли оммавий касбларга ўқитилиб, шартнома асосида иш билан таъминланди. 351 кишини вақтинчалик икки ойга ҳақ тўланадиган ишга жалб этдик. 570 кишига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Эндиликда уй бекалари ҳам боқимандалик чангалидан халос бўлиб, иш сўраб келяптилар Ўтган олти ой мобайнида мингдан кўпроқ хотин-қизлар ўзларига муносиб ишларга юборилган бўлса, 260 нафар опа-сингилларимизга миллий либослар тикувчиси, зардўзлик, каштачилик, компьютер оператори каби қадимий ҳунармандчилик ва замонавий касб сирлари ўргатиляпти. Бу соҳада бизга маиший хизмат уюшмаси, ижтимоий таъминот бошқармаси, қишлоқ фуқаролар йиғинлари амалий ёрдам кўрсатишяпти.

Дастурнинг иккинчи йўналиши бевосита аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган. Масалан, ҳунарсиз кишиларни, бекор юрган ёшларни касбга ўқитиш учун бир миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ҳатто ногирон болаларни қобилияти ва қизиқишига кўра, уй шароитларини ҳисобга олиб, Ғаллаоролда мураккаб уй-рўзғор буюмларини таъмирловчи, бош кийим устаси, Мирзачўл туманида телерадио устаси касбларига ишга жойлаштирдик. Шунингдек, ҳар хил сабабларга кўра, ишсиз юрган ёшлардан йигирма саккиз нафари билан суҳбат ўтказиб, ўзлари қизиққан ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этдик.

Учинчи, энг долзарб йўналишнинг моҳияти шуки, республика ҳудудий дастурига мувофиқ, вилоятда 310 мингта янги иш жойини яратиш устида ишлаяпмиз. 1997 йилда 13400 та иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, шунинг учдан икки қисмидан кўпроғи қишлоқларга тўғри келади. Бу иш маҳаллий бюджет, корхона ва ташкилотлар, аҳоли маблағлари, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ва бошқа ҳомийларнинг моддий ёрдамлари эвазига амалга ошириляпти. Бир мисол, ўтган ярим йилликда тўққиз юзта иш ўрни очиш учун фақат Меҳнат вазирлиги томонидан 122 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунинг ҳисобига «Жиззахсут» ҳиссадорлик жамиятида 150 та, Жиззах туманидаги «Бобур» агрофирмасида 23, Маржонбулоқ тикув фабрикасида 64 та, Фориштдаги қоракўлни қайта ишлаш корхонасида 65 янги иш ўринлари очилди.

Бевосита бошқармамиз саъй-ҳаракати билан эса Жиззах шаҳридаги «Зилола-текс» ҳиссадорлик жамияти қошида йилига беш юз тонна сунъий тола ишлаб чиқарадиган қўшма корхона барпо этилди. Бу корхона бугун-эрта иш бошлайди ва унда тўрт юз киши иш билан банд бўлади. Фориш ва Ғаллаорол туманларида эса йилига етмиш беш тонна жунни қайта ишлайдиган корхоналар бунёд этилмоқда.

Охирги йўналиш - кўп болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кам таъминланган аҳоли қатламини муҳофазалашни кўзда тутади. Бу борадаги ишларимиз ҳам ёмон эмас. Ҳозирда ўн олти ёшгача фарзандлари бўлган эллик беш мингдан ортиқ оилага нафақа тўланяпти. Бу ҳар бир оилага ўртача салкам икки ярим минг сўмдан тўғри келаётир. Кам таъминланган оилаларнинг нафақалари ҳам ўз вақтида молиялаштирилиб, ярим йил ҳисобкитоблари бешинчи июлга қадар тўлиқ ёпилди.

Ўктам ОЛИМОВ,
вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи.

● *ТАДБИРКОРЛИК*

Шу кунларда «Интранс-Vgd» ўзбек-турк қўшма корхонаси Асакадаги «ЎзДЭУавто» заводида чиқарилаётган автомобилларни харидорларга ташиб етказиб беришга киришди. БК «Интранс» транспорт ташқи савдоси очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ботир Маҳкамович Қосимовдан бу фактни шарҳлаб беришни сўрадик.

БҚ — БАХТ ҚУШИ, ДЕГАНИ

-- Асакадаги автомобиль ишлаб чиқариш заводининг фаолияти тобора жадаллашмоқда. Қисқа вақт мобайнида бу ерда 70 мингта яқин автомашина тайёрланди. Корхона лойиҳа қувватига тўла эришиши, яъни йилига 200 мингтагача автомобилни ўз конвейеридан чиқарадиган кунлар унчалик узоқ эмас. Энди эса машиналарни турли-туман манзилларга етказиб бериш хизматини йўлга қўйиш муаммоси кўндаланг турибди.

Бу масалани «Ўзавтосаноат», «ЎзДЭУавто» ва «Ўзавтотеххизмат» раҳбарлари билан атрофлича муҳокама қилиб, биз мазкур ихтисослаштирилган қўшма корхонани ташкил этишга қарор қилдик. Туркия томонидан муассисликни ўз зиммасига олган таниқли «Vgd» фирмаси қўшма корхонага 30 та «Автовоз» берадиган бўлди. Мен бу икки қаватли, ярим шатакли, халқаро миқёсдаги улкан юк автомашиналарининг заводида бўлдим ва бизнинг сўровимизга биноан завод усти ёпиқ соябонли автовозларнинг бутун бир гуруҳини жўнатди. Улар ҳар жиҳатдан қулай, эни 2,5 метр, узунлиги 21 метр, ичига енгил автомобиллар бемалол жойлашади ва бурилиб-қайрилишлари ҳам анча ўнғай. Ушбу автовозларнинг ҳар бирига 8 тадан енгил автомобиль жойлашади. «СуперМАЗ» ва «Мерседес» русумли шатакли машиналарни қўшма корхонанинг муассисларидан бири сифатида биз ўзимиз сотиб оламиз. Шартномага кўра, қўшма корхонанинг 3 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги Низом жамғармасини 50х50 усулида, теппа-тенг бўлишдик. Ҳозир шу автовозлар учун ҳайдовчилар тайёрлаяпмиз.

-- Афтидан, бу автовозларда ишлаш ҳайдовчилардан ўзига хос тайёргарликни талаб қилса керак. Ахир халқаро миқёсдаги олис йўл ва, айниқса, чегара ўрамларида йўл юришнинг синовлари оз эмас...

-- Автомобиль ташишни биз, аввало, Ўзбекистоннинг турли минтақалари бўйлаб бошлаймиз. Кейинчалик МДҲ мамлакатларига чиқиш режаларимиз бор, келгусида эса хорижий мамлакатларга ҳам йўл оламиз. Йўл шароитлари, ҳақиқатан, осон эмас. Мана шу сабабларга кўра ҳам, бизнинг корхонамиз алоҳида салмоқ касб этади. Ўз юкимизни ўзимиз ташишимиз, йўлда кўпгина машаққатлар, шу жумладан, божхоналардаги текширувлар билан ҳам боғлиқ. Ҳар хил постлар, мураккаб ўтиш йўллари, кўприклар, турли иқтисодий ҳудудлар, кимсасиз дашт ва саҳроларо минг-ўн мингдаб километр йўл босиш, сервиз ва ҳимоя хизматидан бебаҳра аҳоли пунктларидан ўтиш — буларнинг ўзига яраша муш-кулликлари бор, албатта.

Бизнинг ҳайдовчиларимиз эса ТАСИС дастури бўйича махсус тайёргарлик машғулотларини ўтгач, юқори даражали ҳайдовчилик малакасига эга бўладилар. Халқаро сертификат оладилар, шундан кейин 16 та хорижий мамлакат бўйлаб юк ташиш учун йўлга чиқадилар. Албатта, хизматта энг ишончли одамларни танлаб оламиз. Аслини айтганда, бизнинг акционерлик жамиятимизнинг халқаро миқёсда юк ва йўловчи ташиш, транспорт экспедицияларига чиқиш, халқаро сайёҳликни уюштириш бўйича анча-мунча тажрибаси бор. БҚ «Интранс», шунингдек, «Ўзафғонсавдотранс», «Ўзкамко» (Ўзбекистон-Австрия-Россия қўшма корхонаси)нинг ҳамда бош штаби Женевада жойлашган Халқаро юк ташиш уюшмасининг ҳаммуассисларидан бири ҳисобланади. Биз бу йўналишлардаги фаолиятимизни 1989 йилдаёқ бошлаганмиз ва «Совтрансавто» тимсолидаги монополистларнинг катта қаршиликлар кўрсатишига қарамасдан, Буюк Ипак йўлини автомобиль қатнови усулида тиклашга киришган эдик.

-- Айтиш мумкинки, юқорида тилга олинган қўшма корхонани ташкил этиш билан сиз бундан кейин ҳам пешқадамлик мавқеингизни асло йўқотмоқчи эмассиз...

-- Буни бозор шароитининг ўз табиати талаб этмоқда. Шунчаки кун ўтказиш эмас, балки барқарор даромад учун кураш, янги иш ўринларини ташкил этиш, одамларнинг ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш мақсадлари бизни доимо пешқадамликка даъват этади. Албатта, янги қўшма корхонамиз йўлида рақобатчилар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Лекин, биринчидан, ҳудуд эгалланган, иккинчидан, бизнинг тажриба ва куч-қувватимиз, буюртмачилар билан ишни аъло даражада ва ҳамёнбоп меъёрларда бажаришни келиша олувимиз ишимизнинг истиқболига кафолатдир. Бунинг устига бизнинг ҳар бир ҳайдовчимиз моддий жавобгарликни ҳис қилади. Биз ташилаётган юкларни суғуртавий ҳимоялаймиз. Буни эса ҳар қандай хусусий компания ўз бўйнига олавермайди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, «ЎзДЭУавто» маҳсулотларини ҳозирнинг ўзида ташишта фаол киришсак, йилнинг охиригача 30 мингга яқин «Дамас», «Тико» ва «Нексия» автомашиналарини буюртмачиларга бемалол етказиб бера оламиз. Бизга «Автовоз»дан, бошқа автозаводлар ва дилер ташкилотлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Хуллас, ишимизнинг келажаги порлоқ.

-- Сизнинг корхонангиз «Ўзинтранс»нинг вориси ҳисобланади. Корхонанинг янгича БҚ «Интранс» номи нимани англатади?

-- Бунинг учун корхонамиз тамғасига бир кўз ташланг. Ана, унда кўкка парвоз қилаётган қуш тасвири акс этган. БҚ -- Бахт қуши, дегани. Ишонамизки, у биз учун хайрли рамз бўлиб қолади.

Ю. ИСАЕВ
суҳбатлашди.



СУРАТЛАРДА: БҚ «Интранс» акционерлик жамияти автовозлари сафарга ҳозир; ҳайдовчилар Георгий Лисовский ва Замир Ҳакимов.

Л. ГУСЕИНОВ
олган суратлар.

● *ИНСОН АЗИЗ*

Қайсики жамият фуқароси ўзини кераксиз, ортиқча деб билса, ўша ерда, албатта, яшаш тарзи издан чиққан бўлади. Дунёнинг қадим фалсафий китобларидаги инсон ва жамият бобида битилган шу тахлит қарашлар ҳанузгача кучини йўқотмаган. Биз нега дабдурустдан юқоридагидай фикрларни қоғозга тушираётганимизни сабрли газетхон мақолани ўқиб тугатгач, тушуниб олади, деб ўйлаймиз.

ЎЗБЕКДА ОДАМГАРЧИЛИК ЎЛМАЙДИ

Ҳамманинг хабари бор. Яқинда республикамиз Вазирлар Маҳкамасида иқтисодий-ислоҳотларнинг бориши, Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Президентимизнинг барча гапларини халқ қониқиш билан тинглади. Айниқса, у кишининг бизда ҳар бир одам кучли ижтимоий муҳофаза қилиниши, ҳеч ким ҳеч қачон йўқчилик балосига гирифтор бўлиб кўчада қолмаслиги, ҳар қайси фуқарони давлат оғир аҳволга ташлаб қўймаслиги тўғрисида куюниб айтганларини юракдан ҳис этиб тингладим. Ўзбекистондай юртда яшаётганимиздан, Ватанимизда одил сиёсат юргизилаётганидан қувонишимиз ва буни англай билишимиз керак. Бу ҳолатни айрим мамлакатлар билан таққослаганимизда эса вазият янада ойдинлашади.

«Труд» газетасининг шу йил 31 июль сонида чоп этилган «Умидсизлик оловида ...» ҳамда «Оқ оғу комида» сарлавҳали мақолаларни ўқиб даҳшатга тушдим. Россия матбуоти ўзидаги мана шу аҳволни чуқурроқ ўрганиб, кенгроқ ёритса тўғри бўлмасмиди.

Хуллас, бу газетада баён этилишича, Краснодарь ўлкасидаги Павлов туманига қарашли Новолеушков қишлоғида яшовчи қурувчи йигит ва унинг шўрлик рафиқаси ишсизлик туфайли ҳаётлари оғирлашиб кетганидан ўз умрларига ўзлари зомин бўлишибди. Даҳшатли ҳожиа тафсилоти шундай келтирилади: «У бу ишга узоқ тайёрланди. Уйига газ тўлғазилган бир нечта махсус идишларни келтириб қўйганди. Тунларнинг бирида идишлар қулоғини бураб, газ йўлини очиб қўйди... Уй ичи газга тўлгач, гугурт чақди... Натижада эрхотин гуриллаб ёнган олон ичида қолишди...»

Қўлида гулдай ҳунари бўла туриб, кўчада сарсону саргардон бўлган, иқтисодий тақчилликнинг азобларига дош беролмаган инсонга на давлат ва на жамият кўмак беролмади, нажот йўлларини кўрсата олмади. Марҳумларнинг ҳамқишлоқлари таъкидлашига кўра, бу ерда йилига бор-йўғи икки маротаба, тирикчиликка етар-етмас маош олишади. Яна шу туманда ижтимоий аҳволнинг тубанлашуви туфайли заводда ишлаётган аёл уч фарзандини тирик етим қилиб, ўз жонига қасд қилди, қисқаришга тушган зобит ўзини отиб ўлдирди. Хуллас, ўқисангиз юрагингиз орқага тортиб кетадиган ҳодисалар.

Россияда яна бир иллат — ароққўрлик авжига чиқаяпти. Спиртли ичимликларни истеъмол қилишга муккасидан кетган халқ токи ўз фожиасини англаб улгурмас экан, жамият таназзул ботқоғига ботиб кетаверади. «Оқ оғу комида» сарлавҳали мақолада эса ароққа чўкаётган бугунги Россиянинг ташвишли манзаралари кўз ўнгингизда намоён бўлади. Россия ичкиликбозлик бобида дунёни ортда қолдириб кетаётгани аниқ фактлар орқали, оғриниш билан тан олинади.

Бирни кўриб фикр, бирни кўриб зикр қил, дейди халқимиз. Ҳар биримиз дунёда инсондек яшаб ўтишга ҳақлимиз. Жамият ва инсон мавзусида фикр юритарканмиз, биз давлатимиз танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган ҳолда, ҳар бир жабҳада, истаган мамлакат билан муқоясада бўлишта тайёрмиз. Жаҳоннинг илғор фикрли кишилари Ислом Каримов олиб бораётган сиёсатнинг тўғри эканлигини тан олмоқда.

Иқтисодий жабҳада бозор муносабатларига ўтишнинг барча йўналишлари ҳаётда ўз аксини топмоқда, чуқур ислоҳотлар натижаси ўлароқ юртимиз кундан-кунга чирой очиб бораяпти. Олти йил ичида қад ростлаган йирик ишлаб чиқариш иншоотлари ҳали ҳеч бир мамлакатда бунчалик қисқа фурсатда бунёд этилмаган ва ўз самарасини бермаган. Дунё бу борадаги ютуқларимизни мўъжизага қиёс этаяпти. Чиндан ҳам улар осмондан тушмаган. Тараққиёт калитини тутган давлатимиз раҳбариятининг давр эврилишларини тўлиқ англаб, ҳис қилгани натижасидир. Бу масалага янада ойдинлик киритадиган бўлсак, халқимизнинг урф-одати, азал удумлари, интилишлари иқтисодий қийинчиликлар соясида қолиб кетаётгани йўқ. Дейлик, ўзбек тўй қилади, аввалгидай топганини яхши кунда элга сочади ёки эзгу ниятлар билан данғиллама уйлар қураяпти ҳали ҳам. Халқимизнинг ички эътиқодини мустаҳкамлаган, бир-бирини чамбарчас этган шундай узвий боғланишлар мавжудки, дунё лол қолса арзийди: Ўзбекнинг тўйи ҳам, азаси ҳам ҳамжиҳатлик билан ўтади. Катталар олдида кичикларнинг боши доимо эгик туради. Қанчалар билағон бўлмасин, кекса кишининг хатосини бетгачопарлик қилиб, шартакилик билан тузатмайди. Ва бу халқни оқибат асрайди, ўзбекнинг қонида одамгарчилик ўлмайди. Биз ана шундай кенг тушунчалар билан яшаётган, қаноат ёр бўлган халқмиз.

«Труд» газетасидаги икки ачинарли мақола бизни атрофлича ўй ва хаёлларга етаклайди. Нотинч ва инсон тақдирига бефарқ маконларда юз бераётган ҳодисалар дафъатан кишини маънавий муқоясаларга даъват этади. Биздаги истиқлолий ўзгаришларнинг олийжаноб моҳиятидан, инсонларнинг бахт-саодати ва фаровонлиги — ривожланишнинг асосий мақсадига айланганлигидан, ижтимоий адолат, маънавий камолот, иқтисодий маъмурлик қонунлар йўли билан тобора мустаҳкам ҳимоя қилиниб борилаётганлигидан қалбимизда шукроналик туйғулари уйғонади.

Кўчқор НОРҚОБИЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

Фарғона консерва заводи шаҳарнинг энг тиғиз -- ал-Фарғоний кўчасида жойлашган. Илгари пишиқчилик даврида бу кўчада йўл ҳаракати қатнови қийинлашарди. Чунки дарвоза олдида мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ортган машиналар, тележкалар турна қатор бўлиб кетарди.

Ҳозир бу ерда навбат кутиб турган бирорта машинани учратмайсиз. Бу -- Фарғонада мева-сазбзавот кам бўлганлигининг белгиси эмас, балки қайта ишлаш корхонаси тўла таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлигининг самарасидир.

Хусусан, жорий йилда помидорни қайта ишлаш линиялари иккитага етказилди. Натижада бир сменада 950 тоннагача помидорни қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш имкони яратилди. Шунингдек, 50-55 тонна беҳи, олма, шафтоли ва бошқа меваларни қайта ишлайдиган линия ишга туширилгани ҳам деҳқонларга қулайлик туғдирмоқда.

Муҳими, маҳсулот олиб келувчилар ҳар хил транспортларни кира қилишдан қутулдилар. Завод қошидаги автотранспорт корхонаси уларга беминнат хизмат кўрсатяпти.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

● *ҚАРОР ВА ИЖРО*

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН БОҒИГА МАРҲАМАТ!

Андижоннинг эски шаҳар қисмидаги боғ бундан буён атоқли ўзбек ёзувчиси ва жамоат арбоби Абдулҳамид Чўлпон номи билан аталади.

Бу йил машҳур адиб таваллудининг ярим йиллик тўйи кенг нишонланади.

Ҳукумат қарорига мувофиқ, республикада бу санани муносиб нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ёзувчининг ҳамшаҳри бўлган андижонликлар эса боғни обод қилишдан ташқари, адибнинг уй-музейи ҳамда унга ёдгорлик, фавворалар, адиблар хиёбони қурилиши, миллий кураш учун спорт майдонларини тайёрлаш, бошқа дам олиш жойларини ободонлаштириш ишларини ниҳоясига етказмоқда.

Бу ишларни Олтинкўлдаги 101- механизациялашган кўчма колонна жамоаси амалга оширмоқда. Унга Андижон машинасозлик заводи, бошқа корхона, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ёрдам кўрсатмоқда. Мисол учун, «Электродвигатель» заводи бу ишга 100 минг сўм ажратди, «Электроаппарат» заводи уй-музей, боғдаги бошқа иншоотлар қурилишига 50 минг дона ғишт етказиб берди, тадбиркор Шукуржон ҳожи Содиқов чанқовбосди ичимликлар билан савдо қилиш учун дўкончалар қуриб берди, «Ризқ» новвойчилик акционерлик жамияти ҳашарчиларни текин иссиқ овқат билан таъминлаб турди.

Ноябрь ойида Абдулҳамид Чўлпон номи билан аталадиган боғда юбилей тантаналари бўлиб ўтади. Бошқа пайтларда ҳам ёзувчининг ҳамшаҳарлари ва меҳмонлар унинг ижоди, ҳаёти ва мероси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

К.НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Жиззах вилояти:

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ

НУРЛИ МАНЗИЛ

Тошкент-Термиз, Жиззах-Қўқон йўллари кесишган жойда қурилаётган «Осиё» карвонсаройи — улгуржи савдо бозорини яқин келажакда шундай деб атайдилар

Қурилиш штаби бошлиғи Баҳром Музаффаровнинг айтишича, мазкур серқатнов ҳудуддан халқаро бозор учун эллик гектар ер ажратилган. Насиб қилса, бозор Фарғона водийси вилоятларини, Қашқар ва Сурхон даштларини, Хоразму Қорақалпоғистон ва Бухорои шарифни бир-бири билан боғлайди. Мустақилликнинг олти йиллигига бу улкан иншоотнинг биринчи навбати -- ўн икки гектарлик буюмлар бозори ишга туширилади. Унда йигирма иккита савдо растаси бўлиб, ҳар бирида 102 тадан сотиш жойи бўлади.

Шу ишларга уч юз миллион сўмликдан зиёдроқ маблағ сарфланди. Бош пудратчи «Ўзпўлатконструкция» ва унинг вилоятдаги бешта бўлими бунёдкорлари кечаю-кундуз меҳнат қилиб, тўрт ой деганда ишни ниҳоясига етказишди. Юздан зиёд хусусий дўконлар ишга туширилди. Уч минг машинага мўлжалланган тўхташ жойи тайёрланди. Эҳтиёт қисмлар, машиналар савдоси бозорлари эса жадал қуриляпти. Уларни «Автотеххизмат», йўл қурилиш бошқармаси, дон ва нефть маҳсулотлари корхонаси ва «Жиззахсавдо» концерни жамоалари барпо этмоқдалар.

«Осиё» карвонсарой-бозорининг истиқболи порлоқ. Яқин келажакда бу ерда улгуржи савдо қиладиган энг катта ҳудуд барпо этилади. Уни чет эллик тадбиркорлар қуришади, маблағни эса «Евробанк» ажратади. Ҳудудда халқаро тоифага кирувчи уч қаватли бош автобекат, хорижий мижозлар учун тўрт қаватли меҳмонхона, маҳсулот омборхоналари қад кўтаради.

Бозор тўлиқ ишга тушгач, вилоят бюджетини бойитишга салмоқли ҳисса қўшади. Бир мисол:. Яқинда кичик бир «тажриба» ўтказилди. Кун бўйи Тошкент-Термиз йўлидан етти юзта «Икарус» автобуси ўтди. Ҳар бирида қирқтадан йўловчи бўлганда, йигирма саккиз минг кишини ташкил этади. Агар улар бозорда бир зум тўхтаб, ҳар қайсиси ўн сўмдан савдо қилганда ҳам, вилоят хазинасига кунига икки юз саксон минг сўм ташлаб кетаркан.

Шунинг ўзиёқ улкан қурилишга кетган миллионлаб сўм кўпга бормай қопланишидан дарак бериб турибди.

Санам опа Каримова (юқоридаги сурат) Пахтакор туманидаги «Навбаҳор» деҳқон-фермер уюшмасининг илғор сут соғувчиларидан бири.

-- Инсоннинг номини фақат меҳнат улуғлайди, -- дейди опа. -- Номи шарафланган инсоннинг нафақат қорни, маънавияти ҳам тўқ бўлади.

-- Бой маънавият эса истиқболли келажак нишонасидир, -- дея луқма ташлайди уюшма ишчиси Қосим Хўрозов (ўнгдаги сурат).



• *ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ*

ТИНИМ БИЛМАС ҚАРИЯЛАР

-- Ҳорманг, отахон, чарчамаяпсизми? -- саломлашдик ҳовлисида гулларни парвариш қилаётган Шукур бобо билан.

-- Қайда, ўғлим, ҳоришни, чарчашни ўзбекка чиқармаган, -- ҳазиломуз жавоб қайтарди у.

Шу бир оғиз сўз ўйлаштирмасдан, мулоҳаза юритишга мажбур қилади кишини. Негаки, юрагида иштиёқ, белида қувват, кўзида нур бўлган отахонларимизни нафақага чиқиб, уйда ўтирганини кўрмаганмиз. Уларнинг суяги меҳнатда қотган эмасми, бекор ўтиришни ўзларига эп кўрмайдилар.

Шукур бобо Аҳмедов ўттиз йил мобайнида колхозда сувчилик қилиб, пахта етиштирган.

-- Дарахт япроғи билан, одам меҳнат билан тирик, -- дейди отахон. -- Меҳнат ҳеч кимни ўлдирмаган, ёшартиргани, умрини узайтиргани эса рост.

Унинг ўзи бутун умри давомида шу ақидага амал қилиб яшаб келмоқда. У «Қулама» ва қўшни маҳаллалардаги оқсоқоллар билан кенгашиб, «Фахрийлар боғи» яратишга бел боғлади. Бу юмушда унга шогирдлари -- жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Қаҳрамон Нурмаматов ва бўлим бошлиғи Ботир Нормуродов ёрдам беришди. Натижада ҳашар йўли билан қишлоқ четидаги қирқ гектардан зиёд майдонга ўн хил мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бугунги кунда Ином Абсаматов, Убайдулла Абдуллаев, Бегимқул Эгамқулов, Файзиқул Султонов, Ризоқул Бобожонов сингари «қариб қуйилмаган», тиниб-тинчимас қариялар яратган боғ неъматларидан касалхона, мактаб, боғчалар баҳраманд бўлаётир.

-- Ортганини омборга, қишга ҳозирлаяпмиз, -- дейди бригада бошлиғи Зоир Аҳмедов.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозиргача саккиз тонна олма, ўрик, олхўри, олча қоқи тайёрланибди. Яна узумдан офтоби майиз ёйишларини, 25 тонна кечки олма сақлаб қўйишларини айтишди.

Жиззах туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида қарилик гаштини суриб, ҳамон оғзидан гапини, қўлидан кетмонини бермай келаётган, эл ичида ҳурмати зўр бу отахонлар билан «Қўлингиз дард кўрмасин, умрингиз боқий бўлсин», дея хайрлашдик.

• *ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ*

ТЎЙ ТЎЙДЕК БЎЛСИН

Халқимизнинг тарихи қанчалик узоққа бориб тақалса, унинг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ҳам шунчалик қадимийдир. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари замирида пайдо бўлиб, ўзида шу халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ нормаларини мужассам этади. Шукурки, мустақиллик боис биз уларни қайтадан тиклаш, мазмунан бойитиш имконига эга бўлдик. Президентимиз ва ҳукуматимиз бу борада жуда катта ишлар олиб бормоқда.

Ушбу мақолада ана шундай қадриятларимиздан бири -- никоҳ тўйи ҳақида фикрмулоҳазаларимизни баён этмоқчи эдик.

Ўзбеклар тўйпарвар халқ. Суннат тўйи, никоҳ тўйи, соч тўйи, бешик тўйи, фотиҳа тўйи, уй тўйи, мучал тўйи, эллик ва ундан ортиқ ёшни нишонлаш тўйи ана шулар жумласидандир.

Тўй оилавий байрам бўлсада, бир хонадон қувончи барча қариндош-уруғ, маҳаллакўй, дўсту биродарлар билан баҳам кўрилади. Албатта, бу ижобий ҳол бўлиб, инсонларда ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳр-оқибат, хайр-саховат, имон-эътиқод, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, дўстлик каби фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади.

Лекин тўйлар халқимизнинг маънавий юксалишида қанчалик ижобий роль ўйнамасин, уни ўтказиш билан боғлиқ баъзи масалалар хусусида жиддий ўйлаб кўришни талаб этади. Жумладан, баъзиларнинг бола-чақасини яхши едирмаслик, кийинтирмаслик эвазига, катта миқдорда қарз олиш, оила бюджетига мавжуд маблағни бус-бутун сарф қилиш ҳисобига етти иқлимга номи кетган тўй ўтказишга интилишлари ҳозирги шароитда сохта бойваччаликдан ўзга нарса эмас.

Ҳаётимизда тўйлар билан боғлиқ маросимларнинг ихчамлашиш ўрнига дабдабали тус олиб бораётганлигини ҳам ижобий ҳол деб бўлмайди. Масалан, никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларга бир нечадан-қанча ортиқча сарф-харажатлар ётишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Қадимдан қизларни бисот билан турмушга бериш ота-онанинг бурчи ҳисобланиб келинади. Бу, албатта, яхши одат. Чунки ёш оила моддий томондан ўзини тутиб олгунига қадар ота-она қилган бисот келин-куёвга асқотади. Иккинчи томондан, ота-она қилган бисот улардан ёдгорлик сифатида ҳам қадрлидир. Бироқ келин бисоти меъёр даражасида бўлмоғини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Ҳаётда шундай ота-оналар ҳам учрайдики, қизлари учун 70-80 сидра бошоёқ сарупо, икки, ҳатто уч хил мебель, қўша-қўша бриллиант, тилла зеб-зийнатлар, керагидан ортиқ биллур ва чинни рўзғор асбобларини ҳадя этадилар. Бундай дабдабабозликка имконияти йўқ, ўртамиёна оила ўғил ва қизларининг руҳан камситилиши, ҳатто баъзи оилаларнинг бузилиб кетишига ҳам сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Чамаси «Кийим кўрди», «Сарпо ёзди», «Сарсон сарпо» ва бошқа шунга ўхшаш маънавий таъсирсиз одатлар-ваъзхонликлари тўйининг файзли, мазмунли ўтишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Рақсга тушувчилар устидан пул сочиш, рақсга таклиф этиш моддий манфаатдорлик илинжида келган баъзи хонандалар ўйлаб чиқарган янгича одатлардан ўзга нарса эмас. Ахир ёш келин-куёв даврага чиқиб рақс тушиб, ўзларини намойиш қилиш ўрнига ўз ҳаёси, ибоси, ахлоқий ҳатти-ҳаракати билан тўй иштирокчилари қалбида сирли бир олам бўлиб қолмоғи керак.

Кейинги вақтларда пайдо бўлган яна бир масалага эътиборсиз бўлиш мумкин эмас. Одатда, никоҳ тўйларида кеза-ро бериш ўрнига акс таъсир этади. Назаримизда, шоир ва бастакорларимиз томонидан тўй тантаналарининг турли босқичлари учун характерли бўлган куй, қўшиқ ва рақсларнинг туркуми яратилмоғи, шакллантирилмоғи зарур. Тўйларда маърифий, насиҳат қўшиқларининг маҳорат билан айтилиши, халқимизнинг қадимий санъат турлари аския, бахшилар айтишуви, латифа, қизиқчилик намуналаридан ўринли фойдаланиш маънавий қадриятларимиз воситасида халқимизда миллий онг, миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг омилидир. Тўй маросимлари билан чадан-қанча ортиқча сарф-харажатлар ётишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Қадимдан қизларни бисот билан турмушга бериш ота-онанинг бурчи ҳисобланиб келинади. Бу, албатта, яхши одат. Чунки ёш оила моддий томондан ўзини тутиб олгунига қадар ота-она қилган бисот келин-куёвга асқотади. Иккинчи томондан, ота-она қилган бисот улардан ёдгорлик сифатида ҳам қадрлидир. Бироқ келин бисоти меъёр даражасида бўлмоғини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Ҳаётда шундай ота-оналар ҳам учрайдики, қизлари учун 70-80 сидра бошоёқ сарупо, икки, ҳатто уч хил мебель, қўша-қўша бриллиант, тилла зеб-зийнатлар, керагидан ортиқ биллур ва чинни рўзғор асбобларини ҳадя этадилар. Бундай дабдабабозликка имконияти йўқ, ўртамиёна оила ўғил ва қизларининг руҳан камситилиши, ҳатто баъзи оилаларнинг бузилиб кетишига ҳам сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Чамаси «Кийим кўрди», «Сарпо ёзди», «Сарсон сарпо» ва бошқа шунга ўхшаш маънавий таъсирсиз одатлар-ваъзхонликлари тўйининг файзли, мазмунли ўтишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Рақсга тушувчилар устидан пул сочиш, рақсга таклиф этиш моддий манфаатдорлик илинжида келган баъзи хонандалар ўйлаб чиқарган янгича одатлардан ўзга нарса эмас. Ахир ёш келин-куёв даврага чиқиб рақс тушиб, ўзларини намойиш қилиш ўрнига ўз ҳаёси, ибоси, ахлоқий ҳатти-ҳаракати билан тўй иштирокчилари қалбида сирли бир олам бўлиб қолмоғи керак.

Кейинги вақтларда пайдо бўлган яна бир масалага эътиборсиз бўлиш мумкин эмас. Одатда, никоҳ тўйларида келин-куёвга ҳаётда кўпни кўрган, унинг паст-баландини билган, маҳалла-кўйда обрў-эътиборга лойиқ, увалижували отахонлар, онахонлар яхши тилаклар билдирмоқлари, панд-насиҳат қилмоқлари лозим. Лекин биринчилар қаторида куёв жўра, келин дугоналар никоҳ базмларида сўзга чиқиб, ваъзхонлик қиладилар.

Ҳаётда кўпни кўрган тўй иштирокчилари олдида ҳали турмуш қурмаган йигит-қизларнинг бундай насиҳатомуз табрикларини қандай тушунмоқ лозим? Наҳотки никоҳ тантанасини бошқарувчи, қолаверса, шу маҳалла оқсоқоллари, нуроний онахонларнинг бу борада эътирозлари бўлмаса?

Баъзан тўйларга таклиф этилган хонандаларнинг маънавиятимизга зид, тингловчига ноаниқ бўлган мазмунсиз, тарбиявий таъсирсиз ашулалари киши кайфиятини кўтариш, қалбларга маънавий боғлиқ яна бир муҳим нарса -уни ўтказиш маданиятига риоя этишдир. Тўй маросимлари учун махсус жой тайёрлаш, тартибли ўтказиш чора-тадбирларини белгилаш, саранжом-саришталикка риоя этиш, таклиф этилган меҳмонларнинг ўз вақтида келиши, уларни иззат-икром билан кутиб олиш ва кузатиш, тўй дастурхони ва таомномаси маданиятининг юксаклиги унинг сифатли ўтиши мезонларидан ҳисобланади.

Иккинчидан, тўйлар имкон қадар ахолининг бўш вақтлари -- дам олиш, байрам кунлари, иш вақтидан ташқари вақтларда қатъий белгиланган бир муддатда ўтказилмоғи лозим. Бу ўринда Тошкент, Самарқанд шаҳарларида тўй ўтказиш тажрибаларидан республика миқёсида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Келин либоси бошқа кундалик либосларга нисбатан ўзгача ғурур, ҳаяжон билан кийилади, ўзгача дид билан тикилади. У бир умр қиз бола қалбида келинлигидан бебаҳо ёдгорлик бўлиб қолмоғи лозим. Одатда у оқ ҳаридан тикилади. Уни шарқона кийиниш маданияти мезонларига мос қилиб яратиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрмоқ лозим.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти тараққий этаётган бир даврда келин либоси билан тадбиркорлик қилаётган «ишбилармонлар» ҳам пайдо бўлаётганлиги салбий ҳолатдир.

Натижада, битта келин либосини ўнлаб келинлар киймоқдалар, у ҳам бўлса, арзон-гаровга берилмайди. Шунинг учун бўлажак келинлар гаров нархига яраша ўзларининг шахсий бахт либосларини тикдирсалар, гигиена қоидаларига ҳам риоя қилган бўладилар. Бу борада Фарғона вилоятида ижобий ишлар қилинмоқда.

Мамлакатимизда никоҳ тўйлари билан боғлиқ ижобий бир анъана кенг қулоч ёзмоқда. Яъни, жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳомийлигида кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларининг никоҳ тўйларини «қўшма тўйлар» тарзида ўтказиш кенг тус олмоқда. Албатта, меҳрсаховат намунаси бўлган бу ижобий ҳолни оммалаштириш зарур.

Шундай қилиб, тўй маросимлари инсон ҳаётида бахтли, шоду хуррамликка бой бир хотира бўлиб қолиши зарур. Бунинг учун эса жойларда ҳокимликлар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари, нуроний онахон ва отахонлар, ёшларнинг «Камолот» жамғармаси бахт оқшомларига бош-қош бўлсалар, тўйларни ўтказиш билан боғлиқ барча ижобий расм-русумларни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирларини кўрсалар, айни муддао бўларди.

О. МУСУРМОНОВА,
педагогика фанлари доктори, профессор.

ИККИ ҚУТБ ОРАЛИҒИДА

ҚУРОЛ ВА БАРҚАРОРЛИК

Бир ой бўлдики, Буюк Британияда аҳоли қўлидаги ўқотар қуролларни йиғиб олиш тадбири амалга оширилмоқда. Мамлакат қонунига биноан, 30 сентябрдан кейин уйида қурол сақлаган кишилар ўн йил муддатга қамоқ жазосига маҳкум этиладилар.

Полициянинг ҳисоб-китобига кўра, мазкур тадбир давомида 160 минг дона ўқотар қуроллари йиғиб олиниши кутилмоқда. Ҳар бир қурол топширган кишига 250 доллар миқдорида пул тўланиши белгиланган.

«Ассошиэйтед Пресс»нинг хабар беришича, 1996 йилнинг 13 мартида Данблэйн шаҳрида 43 яшар кимса 16 нафар бола ва боғча мудирасини ваҳшийларча отиб ўлдирган. Маълум бўлишича, қотил ўшанда қонун асосида 4 та тўппончага эга экан. Ана шу машъум фожеадан кейин Буюк Британияда фуқароларнинг қуролга эга бўлишини тақиқлаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Умуман, нафақат Буюк Британия, балки дунё миқёсида қуролярог бўйича таъқиқ кучига эга қатъиятли ҳужжатлар ишлаб чиқилаётгани эътиборга сазовордир. Аммо...

Шу кеча-кундузда Россия ҳудудида бу борада мутлақо «ўзига хос» қонун кучга кирди. Эндиликда россияликлар ўз-ўзини ҳимоя воситаси сифатида бемалол ов милтиқларини сотиб олаверишлари мумкин. Дўконлардаги расмиятчилик шундан иборатки, харидорлар қуролни кўчага кўтариб чиқмасликка оғзаки ваъда берсалар, кифоя.

Айни пайтда, Россия оммавий-ахборот воситалари тарқатаётган маълумотларга қараганда, мамлакатда жиноятчиликнинг қамрови беҳад кенгайиб кетган. Дейлик, ўтган йил ичида Россия ҳудудида биргина портловчи моддаларни ишлатиш йўли билан 779 та жиноят содир этилган. Яқиндагина эса Москвадаги Пётр Биринчи ҳайкалини портлатиб юборишларига бир баҳя қолди. Шунингдек, Россия армияси зобитлари ўртасида ўз жонига суиқасд қилганлар сони ўтган йилда 35 фоиз кўпайган. «Труд» газетаси (1997 йил, 16 июль, 129-сон)нинг уқтиришича, офицерларга ўз вақтида маош тўланмаётганлиги бундай ташвишли ҳолнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу маънода, Россияда фуқароларга қурол сотиш тўғрисидаги янги қонун кучга киритилишининг жаҳон оммавий ахборот воситалари томонидан кескин танқид қилинаётгани бежиз эмас. Жумладан, «Крисчиан Сайенс Монитор» газетасининг ёзишича, бундай қонуннинг ҳаётга татбиқ этилгани Россияда жиноятчилик милиция назоратидан бутунлай чиқиб кетганини ошкора тан олиш билан баробардир. Ички ички ишлар бозорлиги ва ички ишлар бозорлиги ва ички ишлар бозорлиги ва

Жиззах вилояти:

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ

ЗОМИН УСТРУШОНАДАН СЎЗЛАЙДИ

Зомин — юртимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари билан бўйлашса бўйлашгудек тарихга эга қадим масканлардан бири. Бундан минг йил бурун бобомиз Беруний «Қонуни Масудий» китобида Марказий Осиёнинг ўша даврдаги бир қанча кўҳна шаҳарлари қаторида Зоминнинг ҳам жўғрофий ўрни ҳақида ёзиб қолдиргани шундан далолат беради.

Ўтмишни билмасдан, тарих саҳифаларини варақламасдан туриб, келажакни яратиш қийин. Мустақиллик туфайли юртимиз тарихини ўрганишга бўлган имконият ва эътибор кун сайин ортиб, кенгайиб боряпти.

Маълумки, қадим Уструшона-- Туркистоннинг ажралмас бўлаги сифатида ўз тарихини, маданиятини гуллатган, аммо аждодлар закосини бугунги авлоддан сир тутиб келган воҳа. Бугун ўша тилсимлар очилди. Уструшона афсонадан ҳақиқатга айланди. Ва олис Чиндан Фаранг томонга йўл олган карвонларнинг барчаси абадий яшил маскан-- Зоминда қўналга топганлиги маълум бўлди. Туман ва вилоят ҳокимликлари ҳомийлигида ташкил этилган ўлкашунослик музейи шу ҳақда ҳикоя қилади. Унда беш мингдан ортиқ турли-туман осори-атиқалар, ноёб ёдгорликлар тўпланган. Улар орасида 2400 йиллик тарих гувоҳи, Искандар Зулқарнайн босқини замонидан сўзловчи сопол пиёлалар, қадаклар, оташпарастлар даврининг ўзига хос ёдгорлиги бўлмиш Остодон (сополдан ясалган ёпиқ қабр), турли сопол чироқлар ва тангалар бор.

Музейдаги яна бир экспонатга тўхталиб ўтиш жоиз. Тула-- «самовар» ватани, деймиз. Мазкур шаҳарда тайёрланган буюмлардан бирида «1899» йил деган ёзув бор. Қазишма пайтида ўзимизда топилган худди шундай мис чайдиш-- самоварда эса «1800» битиги мавжуд. Демак, бемалол Зоминни «самовар» ватани, дейишга ҳам асосимиз бор.

Туманимиз ҳудудида ўттизга яқин тарихий, маданий, табиий қадамжолар жойлашган. Пишагор, ўрта аср карвонсаройи, Култепа шаҳристони, Мик қалъаси шулар сирасига киради. Археология институти олимлари, кенг жамоатчилик ёрдамида келгусида бу жойларда қазишма ишларини олиб бориб, музей залларини янада бойитиш, қадим Уструшона давлатига оид барча ҳақиқатни тўла жонлантириш ниятидамиз.

Саттор ҚОРАБОЕВ,
Зомин тарихий ўлкашунослик музейи раҳбари.

СУРАТДА: музей экспонатларидан намуналар.



Зомингa боринг. Охунбобоев номли маҳалла гузарларига кириб кўринг. Маҳалла оқсоқоллари билан суҳбатлашинг. Маҳалла аҳли амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари билан танишинг. Улар сизни қучоқ очиб кутиб оладилар ва янги қурилган маданий-маиший хизмат мажмуига бошлаб кириб, олдингизга Меҳр дастурхонини ёзадилар, Лутф отлиғ калом билан сийлайдилар.

СУРАТЛАРДА: маҳалла оқсоқоллари ва мажмуанинг умумий кўриниши.

Маҳалладаги мажмуанинг ширинзабон, хушмуомала, сергайрат ва сертакаллуф қаҳвахоначиси.

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Жиззах шаҳрининг Мустақиллик майдонида барпо этилган амфитеатрни шундай таърифлашмоқда

Шарқона зеб бериб қурилган теннис корти ва мусиқали драма театри қаторида шаҳар ҳуснига хол бўлиб яна бир ҳашаматли бино қад кўтарди. Қадим юнонларнинг амфитеатрига қиёслаб қурилган бу ёзги томошагоҳ ўз бағрига бирйўла бир ярим минг томошабинни сиғдиради. Бинонинг биринчи қаватида қаҳвахона, маданий-маиший шохобчалар хизмат кўрсатади.

Лойиҳага кўра, бу ерда ҳозирнинг ўзида ўн гектарлик боғ яратилди. Ўрмон хўжалиги ходимлари томонидан боҳорда экилган ўн минг туп арча, каштан, толгул, Шарқ туяси каби манзарали ва мевали дарахт кўчатлари соя бериб турибди. «Жиззахчўлқурилиш» ҳудудий бошқармасининг 12-механизациялашган кўчма жамланмаси қурувчилари эса асосий иншоотни биринчи сентябрда ишга тушириш ниятида сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Келгусида мажмуа атрофида вилоят тарихи музейи, «Заргарлик» маҳалласи гузари барпо этилади. Миллий халқ ҳунармандчилиги расталари, «Никоҳ уйи» қад ростлайди. Айни кунларда биринчи қурилиш ашёлари корхонаси жамоаси унинг теграсини бадиий безакли қизил ғиштин девор билан ўраб, ҳашаматли дарвоза қураяпти.

Қисқаси, шаҳардаги юздан зиёд ташкилот ва муассасалар, ўттиздан кўпроқ маҳалла аҳли ҳашар йўли билан йигирма беш йилдан бери сув чиқмай, ташландиқ ҳолга келган майдонни олти ой ичида энг кўркам гўша-- истироҳат масканига, боғ-бўстонга айлантирдилар. Энди уларнинг фарзандлари оталари ишига тасанно айтиб, бу боғда сайр этадилар, томоша кўриб, ҳордиқ чиқарадилар.

Вилоятга бағишланган мақолалар туркумини «Халқ сўзи» мухбирлари Ҳ. Набираев, Э. Болиев, Т. Каримов (суратлар) тайёрладилар.

● *ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ*

АСРАЙ СЕНИ ҲАЁТИМ БИЛАН

Мустақиллик, кутгандим сени
Юракдаги гулларим билан.
Етмиш йиллик ташнаи зорим,
Кўзимдаги селларим билан.
Мустақиллик, хайрият келдинг,
Чорлай бори баётим билан.
Куйлай қирқта жоним, шеърларим,
Асрай сени ҳаётим билан.
Мустақиллик, кутгандим сени,
Шамолларим, елларим билан.

Ватан деган, тупроғим деган,
Юртим деган элларим билан.
Кўзим нури, хайрият келдинг,
Қирларимга, ўтовларимга.
Соф, самимий меҳр узатиб,
Қизғалдоқли яйловларимга.
Мустақиллик, хайрият келдинг,
Пайғамбарлар ўпган тупроққа.
Мустақиллик, жойлайин сени,
Юрагимга -- қизил япроққа.

Зулфия МЎМИНОВА.

БОШЛАРИНДА ҲУМОЙИ БОР ЮРТИМНИНГ

Кўзларимга тўтиёдир жамоли,
Дилларни яйратар кўрки, камоли,
Ҳавоси, насими хушбўй, сафоли,
Мисли жаннат чиройи бор
юртимнинг.

Бўлакчадур бағри, боғу баҳори,
Гавҳарнинг конидур дарё, анҳори,
Жилва тараб отар ҳар тонг, наҳори,
Бошларинда Ҳумойи бор юртимнинг.

Маъданларга баробар тоғу тоши,
Ўзгачадур осмонда ҳам қуёши,
Саодатдан ошуфта кекса-ёши,
Кўкинда тўлин ойи бор
юртимнинг.

Довруғи бор олам-жаҳонга
кетган,
Уммон оша етти иқлимга етган,
Келган меҳмонларни ҳайронлар
этган
Юзлаб қадим саройи бор
юртимнинг.

Ошиқ Эркин, кўздаги зиё, нурим,
Ҳаётим, танда жоним ҳам
сурурим,
Ўзбекистондир бу --
бахтим, ғурурим,
Бошларинда бахт ойи
бор юртимнинг.

Ошиқ ЭРКИН.

МЕЗБОНЛАР — ЧЕМПИОН

Наманганда сув спортининг ватерпол тури бўйича республика ўсмир-ёшларининг биринчи чемпионати бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан келган спортчилар иштирок этдилар.

Беллашувлар қизғин баҳслар остида ўтди. Айниқса, ғолибликка даъвогар бўлган Наманган вилояти ва Тошкент шаҳри терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтган мусобақа спорт ишқибозларида катта таассурот қолдирди. Дастлабки икки бўлимда кучлар тенг келган бўлса (ҳисоб 2:2), учинчи бўлимда эса пойтахтлик спортчиларнинг қўли баланд келди. Бироқ якунда наманганликлар 6:5 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Шундай қилиб, мусобақа якунида энг кўп очко жамғарган Наманган вилояти терма жамоаси республика чемпиони бўлди. Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти терма жамоалари эса иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Абдуҳошим МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● *ФУТБОЛ*

МАХСУС ЖАМҒАРМА ОЧИЛАДИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда федерация, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раҳбарлари ва барча профессионал командаларнинг мураббийлари иштирок этди. Йиғилишни федерация президенти, ички ишлар вазири Зокиржон Алматов олиб борди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги мамлакатимизда футболни ривожлантиришга оид қарорининг жойларда қандай бажарилаётганлиги, Ўзбекистон терма командасининг 1998 йили Францияда ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларига тайёргарлиги ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Республика футбол федерацияси ишчи гуруҳи раиси Ш. Усмонов, етакчи мутахассислар А. Исмоилов, Г. Имомов ҳамда республика терма командаси мураббийси Ю. Саркисян шу хусусда ҳисобот бердилар.

Таъкидландики, бу йил мамлакатимиздаги барча футбол стадионларини таъмирлаш учун жами 84 миллион сўм маблағ ажратилган. Айни пайтда Самарқанднинг «Афросиёб», Андижоннинг «Андижон» командаларининг ўйингоҳлари таъмирланмоқда. Бироқ олий ва биринчи лига командаларининг иқтисодий қудратини юксалтириш, умуман, футболни ривожлантириш учун махсус жамғарма тузиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу ишни кечиктирмаслик зарур. Мазкур вазифа футбол мутасаддиларининг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланмоғи лозим.

Йиғилишда, шунингдек, мамлакатимиз терма командаси мураббийларига жаҳон чемпионатининг 6 сентябрда бошланадиган навбатдаги саралаш учрашувларига жиддий тайёргарлик кўриш, асосий рўйхатдаги футболчилар сафига фидойи, ватанпарвар, ҳалол ёшларни киритиш, уларга имкони борича қулай шарт-шароитларни яратиб бериш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Мутахассислар ва мураббийларнинг таклифига кўра, саралаш учрашувлари бўлиб ўтадиган сентябрь, октябрь ва ноябрь ойларида ички чемпионат ўйинларини давом эттиришга келишилди. Йиғилиш қатнашчилари мамлакатимизда футболни ривожлантириш учун янги-янги мактаб-интернатлар ташкил этиш, командалар ва федерациялар фаолиятини янада яхшилаш мақсадида махсус комиссия тузиш зарурлигини қайд этдилар.

Нормурод МУСОМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0522, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Н. Шониёзов.
Мусаҳҳиҳ —А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.40 123456